



ХАБАР

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 30 mart, juma № 13 (446)

Sotuvda narxi erkin

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди. Йиғилишда долзарб масалалар кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси ўртасида 2000-2002 йилларга тузилган тармок келишувининг 2000 йилда бажарилиши яқунлари тўғрисида» ва «Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳамда дам олиш учун мўлжалланган иншоотларни тайёрлаш» хусусида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т. Назаржонов ахборот берди.

Маърузачи ўтган йили тармок келишуви акционерлик компанияларида келишувлар тузиш, корхоналарда эса жамоа шартномалари қабул қилиш орқали амалга оширилганини, қабул қилинган келишув ва жамоа шартномаларининг бажарилиши марказий кўмитанинг раёсат йиғилишлари ва пленумларида мунтазам равишда кўриб борилгани, 2000 йили жамоа шартномалари ва келишувлар қабул қилиш ҳамда уларни бажариш масалалари бўйича тармокнинг 50 дан ортиқ корхона ва ташкилотлари текширилгани, айрим жойларда эса ҳамон

ҲАЙЪАТДА

бу масалага яхши эътибор берилмаётганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, соғломлаштириш ва дам олиш учун мўлжалланган иншоотларни фойдаланиш учун тайёр ҳолга келтириш лозимлиги ҳақида гапирди.

Шундан кейин «Кабел телевидениеси тармоқлари аҳоли ва уни ривожлантириш масалалари» ҳақида «Ўзбекистон кабел телевидениеси» акционерлик жамияти бош директори И. Аҳмеров маълумоти тингланди. У ўз сўзида акционерлик жамияти кабел телевидениесининг асосий оператори ҳисобланишини, корхона ўтган йили 85 та хўжалик субъекти билан ҳамкорликда ишлаганлигини, шунингдек, корхонада амалга оширилиши лозим бўлган кўпгина ишлар, камчиликлар борлигини қайд қилди.

«Телекоммуникациялар соҳаси акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиш ҳолати тўғрисида» «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари М. Қожакин сўзга чиқди. У 1996-1997 йилларда саккизта давлат корхонаси акционерлик жамиятига айлантирилганлиги ва корхоналарда акцияларни сотиш бўйича қилинган ишлар хусусида маълумот берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 10 июлдаги «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини оши-

риш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 293-сонли қарорига асосан «Телерадиоэшиттириш ва маълумотлар узатиш, шу жумладан Интернет хизматлари кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказишнинг бажарилиши» ҳақида Агентлик лицензиялаш, сертификациялаш ва стандартлаш бўлими бошлиғи Х. Соатов маърузаси тингланди. Маърузачи Вазирлар Маҳкамасининг бу қарорини бажариш борасида қатор ишлар амалга оширилганини, жумладан 1998-2000 йилларда агентлик лицензия комиссияси ўзининг 71 та мажлисида 212 та лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилганлигини, шу давр мобайнида теледастур тарқатиш ва маълумотлар узатиш бўйича 174 та лицензия келишув тайёрлангани ва берилганини айтиб ўтди. Бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар ва камчиликлар ҳам таъкидланди.

Агентлик иқтисодий таҳлил ва истикболни белгилаш бўлими бошлигининг ўринбосари Л. Царева бўлимда бажарилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Хайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И. АҲМЕДОВ



Давлат алоқа инспекцияси почта бўлими бошлиғи Альфия МАННОПОВА ўз вазифасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

АЛОҚАЧИЛАР ТУҲҒАСИ

Яқинда Андижон шаҳридаги 21 минг хонадонда телефон ўрнатилди. «Андижон Телеком» акционерлик жамияти мутахассислари Андижон, Асака, Хонобод ва Қорасув шаҳарларида янги АТСларни фойдаланишга топширишди. Бунинг учун эса 151 километр узунликдаги рақамли оптик-тонали кабел ётқизилди. Ушбу ишларни амалга оширишда Корея Республикасининг иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси томонидан ажратилган 6 миллион 420 минг АҚШ доллари сарфланди.

Вилёят марказининг янги тураржой даҳаларида телефон алоқаси йўлга қўйилди, хусусан, аҳолиси зич жойлашган Ойшахоним даҳасида 6 минг абонентга мўлжалланган 35-АТС ўрнатилди. Бўстон даҳасидаги АТС қуввати мингга рақамга кўпайтирилди. Боғишамол даҳасидаги эскирган станция алмаштирилмоқда. Бу эса алоқа сифатини янада яхшилашга хизмат қилиши табиий.

Ўз мухбиримиз

• Матбуотда «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирга бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти профессори Саримбек Наврўзов жарроҳларнинг Умумжаҳон уюшмаси қарорига мавофик дунёнинг энг яхши жарроҳи деб тан олинди.

• Қирғизистон Бош вазири К. Бокиев ҳукуматнинг шошилич мажлисини ўтказди. Унда республикада оқсим касаллигининг тарқалишига қарши кураш бўйича чора-тадбирлар муҳокама этилди.

• Японияда «Палэро»-деб номланган янги робот ихтиро қилинди. У уч мингдан зиёд сўзни ёдда сақлаши, буюрилган йўналишда юриши ва қиёфани эслаб қолиши мумкин. Бундан ташқари, робот сиз билан сўхбатлашади, хонангизни тозалаб беради. «НИС» корпорацияси яратган ушбу роботга видеокамера вазифасини бажарувчи кўз, тўртта микрофон ва Интернет билан уланиш имконига эга бўлган компьютер ўрнатилган.

• Туркия тарихида илк бор аёл киши дин ишлари бўйича олий кенгаш таркибига қiritилди. Ислон ақдапарастлари бу ҳолни исломни ҳақоратлаш деб баҳолашмоқда.

• Куба Президенти Фидель Кастронинг номзоди Норвегия сўл парламенти вакили Х. Лагерланд томонидан Нобель мукофотига тавсия этилди.

КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Давлат алоқа инспекциясида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг бўлим бошлиқлари, «Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директорлари ва ўринбосарлари ҳамда ДАИ бошқаруви бўлимлари ва худудий таркибий бўлинмалари бошлиқлари иштирокида Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи М. Рустамова бошқарди ва ДАИнинг

ўтган йилги иш яқунларига тўхталиб, 2001 йилги иш режалари ва қилинаётган ишлар хусусида маълумот берди. Утказилаётган текширишларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш тўғрисида ДАИ бошлигининг биринчи ўринбосари А. Сувонов, почта, телекоммуникациялар ва матбуот тарқатиш соҳасида молиявий санкция (жарима)лар ҳисоблаш ва ундириш масалалари бўйича бошлиқ ўринбосари Р. Муҳамедовлар маърузаси тингланди. Музокараларда «Ўзбектеле-

ком» АК бош директори А. Жўрабоев, «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директори К. Раҳимов, Агентликнинг лицензиялаш, сертификациялаш ва стандартлаш бўлими бошлиғи Х. Соатов, Маркетинг тадқиқотлари ва тарифлари бўлими бошлиғи Ю. Мухчилар сўзга чиқиб, Давлат алоқа инспекцияси иш фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида ўз танқидий фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдиришди.

Кенгашда қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Э. МАТҚУРБОНОВ, жамоатчи мухбиримиз

...Сафарбойнинг эски радиотехника телефон ускуналарини очиб, ўзича сошлаб ўтирганини кўрган яқинлари «шу боладан бир нарса чиқади-ёв...» деб қўйишарди. Аммо 1975 йили Шовот туманидаги ўрта мактабни тугаллаган Сафарбой Тошкент электротехника алоқа институтида ўқиш ниятини айтганида устозлари ва оиладагилари унга эътироз билдириб, фикридан қайтаришга уринишди: «Кўй, яхшиси осонроқ ўқишга кир, у ерда ўқиш қийин, дарслар ҳам рус тилида олиб борилади. Сен русчани билмасанг...», дейишди улар. Лекин йигитнинг аҳди қатъий эди. Ўз устида ишлаб, ўқиш мобайнида рус тилини мукамал ўрганиб, ўзи танлаган касбнинг сир-асрорларини пухта эгаллади.

Иш фаолиятини 1980 йили Шовот телеграф ва

қишлоқ АТСлари бўйича муҳандисликдан бошлаган Сафарбой кейинчалик, 1982-1985 йиллари туман темир йўл участкаси автомат телефон станциясида муҳандис бўлиб ишлади.

ишлаб келяпти.

Ўтган даврлар мобайнида алоқа соҳасида катта ўзгаришлар бўлди. Нафақат Шовот шаҳри, балки туман қишлоқларида ҳам 2400 та хонадон телефонлаштирилди.

Сафарбой ака бугун оилада суюкли ота. Турмуш ўртоғи Муяссархон ҳам унга касбдош – «Дўстлик» ширкат хўжалигидаги АТСда муҳандис бўлиб ишлайди. Улар биргаликда тўрт фарзандни тарбия

– Болам, телефон жуда зарур бўп турибди, эримнинг қон босими бор, кўпинча «тез ёрдам» чақиришга тўғри келади. Айтишларича, сизларнинг бошлигингиз телефоннинг пири эмиш, менга қўшниларим айтишди...

– Хўп-хўп, онажон. Сиз ташлаб кетаверинг, усталар тузата олмаса, ўша Сиз айтган бош муҳандисимиз кўради. Бирон соатдан кейин айланиб келинг.

Айтилган фурсатда қайтиб келган онахон бинойидек ишлаб турган телефонни кўриб, қўлларини дуога очди!

– Бутунлай яроксиз ахволга келган дейишувдия, сал бўлмаса ундан умидимни узгандим. Касбингдан баракка топ, болам.

Гавҳар Дўстжоновна,
Хоразм вилояти

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПИБ

– Мен ишга келганимда шаҳар марказида бор-йўғи 700 та рақамли автомат телефон станцияси мавжуд эди, – дейди С. Шержонов.

Унга иш ўргатган устози Илхом ака Отабоев Сафарбойнинг тиришқоқлиги ва ўз ишига бўлган меҳр-муҳаббатини кўриб, 1986 йили уни бош муҳандисликка тайинлади. Устози янглишмаган экан, С. Шержонов ҳозиргача «Хоразм Телеком» акциядорлик жамияти Шовот филиалида

1999 йили эса алоқачиларнинг тинимсиз меҳнатлари эвазига тўрт минг рақамга мўлжалланган янги замонавий станция ишга туширилди. Эндиликда бу ердаги абонентлар код билан исталган мамлакатларига чиқишлари мумкин. Бундан ташқари, темир йўл участкасида жойлашган АТСК – 100/2000 русумли автомат телефон станциясини янги, рақамлига алмаштириш борасида ҳам ишлар қизғин олиб борилмоқда.

ялаб вояга етказишмоқда.

Бир кун эски телефон аппаратини кўтариб олган бир онахон навбатчи олдига кириб келди:

– Қизим, янғисини олай десам анча пул экан. Небарам тушмагур тушириб юборганди, ишламай қолди. Шунини тузаттирсам дегандим. Лекин бир-иккита устага кўрсатгандим, тузатишолмади.

– Ташлаб кетаверинг, усталарга бериб қўяман, – деди навбатчи қиз.

ОЛТИН ОЛМА ДУО ОЛ...

Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманининг сўлим қишлоқларида бири – Кўкёрга йўлингиз тушса, унинг марказида жойлашган мўъжазгина алоқа бўлими биносига дуч келасиз. Ана шу алоқа бўлимига 1960 йилдан 1986 йилгача Хайрулла ота Қосимов раҳбарлик қилди. У киши ҳалол меҳнат қилиб юрда эъзоз топди ва эл хурматида бўлиб, нафақага чиқди. Ҳозир ота бир ўғил, икки қиз, 30 га яқин невараларга бош бўлиб умргузаронлик қилмоқда.

От ўрнини той босади деганларидек, Иззатулла ака Қосимов 35 йилдирки ота касбини улуғлаб келяпти. У киши ҳам олти фарзандни тарбиялаб

вояга етказди. Сулола касбини давом эттириш мақсадида ўғиллари Хикматилло ва Улғбекларга ҳам алоқачилик сирларини ўргатмоқда. Ҳозир улар Кўкёр қишлоғидаги 340 дан ортқ нафақачи ва 740 та обуначига, Мўғол ва Оқтом қишлоқларидаги обуначиларга кишининг қорли-қировли кунларида ҳам гоҳ автобусда, гоҳ пою-пиеда бўлса-да ўз вақтида хизмат кўрсатиб келишяпти. Бундан қишлоқ аҳолиси хурсанд. Айниқса нафақачилар дуо қилишдан чарчашмайди.

Ҳа, эл дуосини олган кам бўлмайди.

М. САНСИЗОВА

ЮРГАН ДАРЁ...

Сурхондарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касоба уюшмаси кўмитаси «Оналар ва болалар йили» муносабати билан энг фаол хотин-қизларнинг бир гуруҳини Тошкент шаҳрига саёҳатга олиб борди. Улар пойтахтнинг диққатга сазовор жойларида бўлишди. Мустақиллик Бош майдони ҳамда Хотира ва кадрлар кунини муносабати билан бунёд этилган ёдгорлик мажмуи уларда катта таассурот қолдирди.

– Биз бу тадбирни жамоа шартномасига асосан амалга оширдик, – дейди вилоят алоқа ходимлари бирлашган касоба уюшмаси кўмитаси раиси Ашурали Даминов. – Саёҳат учун жами 560 минг сўм харажат қилинган бўлса, унинг 100 минг сўмини касоба уюшмаси ажратди. Ана шундай сафарни апрел ойида ҳам ташкил этишни мўлжаллаб турибмиз.

Юрган дарё деганларидек, саёҳат қилган кишининг кайфияти кўтариларди, меҳнати ҳам самарали бўлади.

Н. ЗИЁЕВ,
жамоатчи муҳбиримиз

ТАШАККУРНОМА

Мен 1997 йили Тошкент электротехника алоқа институтига шартнома асосида ўқишга кирдим. «Андижон Телеком» акционерлик жамияти менга бегараз моддий ёрдам кўрсатиб, хомийлик қилди. Алоқа соҳасида кўп йиллар меҳнат қилиб 53 ёшида оламдан бевақт кўз юмган отам Толибжон Янгибоевнинг хотираси хурматида корхона жамоаси мени қўллаб-қувватлади. Оиланинг тўнғич фарзанди сифатида ўзим ва онам номидан «Андижон Телеком» АЖ

ва Андижон вилояти алоқа ходимлари бирлашган касоба уюшмаси кўмитасининг раҳбарияти ва ходимларига Оллоҳдан узоқ умр, сихат-саломатлик, савобли ишларида улкан ютуқлар тилайман. Шундай меҳр-муруватли одамлар борлигидан яратганга шукроналар айтаман. Миннатдорман Сизлардан, эй азиз инсонлар!

Нуриддин ЯНГИБОВ,
Тошкент электротехника алоқа институтини талабаси

ЭЪЛОН!

«ХАВАР» газетаси ўз саҳифаларида корхона ҳамда ташкилотлар, хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, тузилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-қутловларни, олди-сотди билан боғлиқ турли хил хусусий эълонларни чоп этишини маълум қилади.

Мурожаат учун телефонлар:
144-29-09, 136-36-42, 136-35-29.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уй. Тошкент Бош почта-ти, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги биноси, 4-қават, 401, 402-хоналар.



Ҳамида РАҲМОНОВА чорак асрдан буён «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамиятида меҳнат қилиб келмоқда. У шаҳардаги 1-32, 1-33, 1-36 АТСларни электрон АТСга алмаштириш жараёнида масъул вазифаларни сикидилдан бажарди. Ҳозир 1-37 АТСда хизмат қилмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

● Алоқа матбуот кўзгусида

ТЕЛЕФОНДА СЎКИНИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Америка Қўшма Штатларида жорий этилган янги қоғдага кўра, телефонда сўқиниб гаплашиш эндиликда тақиқланди. Кимки ушбу қоғдани бузса, ўша абонент дарҳол абонентлик рўйхатидан чиқариладиган ва маъмурий чора сифатида телефон алоқаси узиб қўйиладиган бўлди.

Мажбурий бўлса-да, ҳушмуомалалик барибир яхшида! Телефонда одоб доирасида гаплашганга нима етсин!

А. АЛИЕВ тайёрлади

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Хоразм Телеком» акционерлик жамияти жамоаси корхонанинг бош директори **Махмуд СОБИРОВНИ** туғилган кунини билан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, сихат-саломатлик, алоқа соҳасидаги ишларида улкан зафарлар тилаб қолади.

ДУШАНБА, 2

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Талихнома» 8.45 7.15 ТВ-маркет «Ўзбектеlevision» намоиши...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» тўғрисида «Янги авлод» студияси...

Тошкент телеканаллари

18.00 Курсуватлар тартиби. 18.05 Мультифильм «Янги авлод» студияси...

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 Туркия ТЕЛЕВИДИЕСИ 15.00 Курсуватлар тартиби...

Сейпанба, 3

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 7.15 ТВ-маркет...

«Буёқ илақ йўли. Нурота» 9.40 «Аён дунёни тортар» Бадий фильм...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Тошкент телеканаллари

18.00 Курсуватлар тартиби. 18.05 Мультифильм «Янги авлод» студияси...

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 Туркия ТЕЛЕВИДИЕСИ 15.00 Курсуватлар тартиби...

Чорпанба, 4

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ-маркет...

Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталаби...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Тошкент телеканаллари

18.00 Курсуватлар тартиби. 18.05 Мультифильм «Янги авлод» студияси...

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 Туркия ТЕЛЕВИДИЕСИ 15.00 Курсуватлар тартиби...

Пайшанба, 5

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ-маркет...

«Ўшлар» телеканалларида спорт: Футбол «Амалдор» лигаси...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Тошкент телеканаллари

18.00 Курсуватлар тартиби. 18.05 Мультифильм «Янги авлод» студияси...

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 Туркия ТЕЛЕВИДИЕСИ 15.00 Курсуватлар тартиби...

Шанба, 7

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ-маркет...

«Ўшлар» телеканалларида спорт: Ринг қироллари 23.40 «Давр» Ахборот дастури...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Тошкент телеканаллари

18.00 Курсуватлар тартиби. 18.05 Мультифильм «Янги авлод» студияси...

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 Туркия ТЕЛЕВИДИЕСИ 15.00 Курсуватлар тартиби...

Якшанба, 8

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ-маркет...

«Ўшлар» телеканалларида спорт: Ринг қироллари 23.40 «Давр» Ахборот дастури...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Ўшлар телеканаллари

8.55 Курсуватлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

Тошкент телеканаллари

18.00 Курсуватлар тартиби. 18.05 Мультифильм «Янги авлод» студияси...

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 Туркия ТЕЛЕВИДИЕСИ 15.00 Курсуватлар тартиби...

Якшанба, 8

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ-маркет...

Бир кун Ҳазрат Умар (р. а.) Асхоби Киrom билан суҳбат қуриб ўтирар эди. Икки одам бир йигитнинг қўлларидан маҳкам ушлаб олиб келдилар:

— Биз қасос олишни истаймиз, эй Амрал Мўминини! Қасос!.. — деб бақирарди улар.

Амрал Мўминини Ҳазрат Умар (р. а.):

— Қандай дардингиз бор? Даъвони билмай туриб қасос олинмайди. Нега йигитни уриб олиб келдингиз?

Улардан бири:

— Эй, Амрал Мўминини! Бу йигит отамизни боғимизда ўлдирди. Бунинг ҳам ўлдирилишини истаймиз.

Ҳазрат Умар (р. а.) йигитга қараб:

— Нима дейсан, буларнинг айтгани тўғрими?

Нурли чехра соҳиб бўлган йигит эса:

— Ҳ, Амрал Мўминини! Бу одамлар тўғри гапирмоқдалар. Бўлган воқеани мушоҳада қилиб кўринг, тушунтиришга ҳаракат қилайин. Мен узокдан келаётган бир йўлчиман, йўлга чиққанга уч кун бўлди. Бироз истироҳат қилай, дам олай дедим. Отимни бу одамларнинг хурмо боғлари ёнида бир шоҳга боғлаб, дам олиш учун ётдим. Бу пайтда эса отим хурмо дарахтининг барглари-дан ебди. Уйғонсам, бир чол отимга тош отмоқда. Ўрнимдан турдим. Чол отган охириги тош отимнинг пешонасига тегди ва отим ўлиб қолди. Ниҳоят, севган отимнинг ўлганини кўриб, жаҳл билан чол отган охириги тошни унинг ўзига отдим. Чол йўқлиб тушиб, жон таслим қилди. Мен бундай бўлишини хоҳламаган эдим, — деди.

Адолат нозир, Ислоннинг хожаи Халифаси Ҳазрат Умар (р. а.):

— Айбинги эътироф этдинг. Қасос лозим, — деди.

— Фақат менинг бир узрим бор. Шубҳасиз мен Қуръон буйруқларига бўйсунман. Менинг сизлардан илтимосим, қасос олиб мени ўлдиршдан аввал бир етим ҳақини бериб қўйишимга ижозат берсангизлар. Бизнинг отамиз ўлган эди. Пуллари қаерда эканли-

гини эса фақат мен биламан. Бир сингилчам бор, у билмайди. Уч кун муҳлат берсангиз, бориб пулларимизнинг турган жойини сингилга кўрсатиб келаман, — деди.

Йигитнинг бу илтимосини даъвогарлар қабул қилишни истамасалар ҳам, Ҳазрат Умар (р. а.):

— Сенга қафил бўладиган бир одам бўлса, унинг қафиллигида

лоҳнинг илтифотига эришган қадрли, вужуди заиф, бир муҳтарам зот эди. Шу онда даъвогарлар:

— Эй, Абу Зар! Сенинг улуг зот эканлигини биламиз. Аммо биз отамизнинг қасосини олишни хоҳлаймиз. Сен ўзинг танимаган йигитга қафил бўлдинг. Агар келмаса, биз отамизнинг ҳаққини сендан талаб қиламиз, — дедилар.

● Ислон маърифати Юсуф ТОВАСЛИЙ

АҲДГА ВАФО ХАЙРИ

рухсат берардик, — деди.

Маъсум юзли бу йигит шу ерда йиғилган барча Асхобга бир-бир қараб чиқди. Охири Абу Зар Фирофийни кўрсатди. Ул заиф, наҳиф зотга қараб:

— Бу зот менга қафил бўла олади, — деди.

Хузур Халифада ҳозир бўлган Асхоби Киrom хайратга тушдилар. Абу Зарнинг оғзига қараб қолдилар. Халифа Ҳазрат Умар (р. а.):

— Нима дейсан, эй Абу Зар? Бу йигитга қафил бўла оласанми?

— Албатта, қафил бўламан. Ҳозир кетиб, уч кундан сўнг қайтиб келсин, — жавоб берди Абу Зар.

Даъвогарлар Абу Зарнинг маъқеани яхши билишарди. Абу Зар Асхобнинг пешволаридан эди. Шунинг учун унинг қафиллигини қабул қилдилар. Йигит Халифа хузурдан чиқиб, шошилганча тўғри қишлоғига кетди.

Уч кун ўтди. Ўша вақтда бўлганлар яна Халифа хузурига йиғилдилар. Ҳазрат Абу Зар ҳам келди. Муддаилар (даъвогарлар) ҳам ҳозир бўлишди. Вақт ўтиб қолганди. Йигит майдонда кўринмасди. Абу Зар ҳеч ҳовлиқмай, ҳаяжонланмай сукут сақларди.

Абу Зар Асхобнинг пешволаридан бўлиб, кўп вақт Расулуп-

Халифа Ҳазрат Умар (р. а.):

— Ҳ, Абу Зар! Воллах, мен ҳам шундай деб ўйлайман, қасос амалга оширилади, — деди.

Ҳазрат Абу Зар эса:

— Мен ҳам розиман, — деди.

Ҳозир бўлганлар ҳаяжонга тушдилар ва даъвогарларга яли-

на бошладилар:

— Отангизнинг хунини берамиз, — дейишарди улар.

Муддаилар қабул этмадилар. Берилган муҳлат ўтиб қолди.

Абу Зар энди ўрнидан туриб, таҳорат қиларди. Ҳаммининг кўзи ёшга тўлган. Шу пайт узокдан чанг-тўзон кўтариб келаётган қора кўринди. Бу тегра пишиб кетган йигит эди. У ичкарига қариб, салом берди ва узр тилади:

— Мени авф этинглар. Сизларни ҳаяжон ичида йўлга қаратдим. Етимнинг энагалари узокқа кетган эканлар, уларни кўтиб кечикдим. Улар билан учрашиб, етим синглимини уларга топширдим ва омонатини бердим, — деди у.

Ул мажлисда ҳозир бўлганлар хайратга тушдилар. Ҳаяжонлар босилган, бутун мажлис аҳли «бу одам нега келди?», дейишди. Йиғилганларнинг юзлариди таажжуб ва хайронликни кўриб йигит:

— Мени келмайди деб ўйлаганимизми? Юзингизда хайронлик, хайрат аломати кўрина-

ди. Қандай қилиб келмайман, ахир мўминман-ку! Мўмин деб аҳдига вафо қилгани, берган сўзига содиқ қолгани айтилдилар, — деди.

Сўнгра қўлларини дуога очиб:

— Ҳ раббий! Менинг сенга бўлган имоним нури юзимда акс этмайдими, булар мендан шубҳага тушмоқдалар, — деб кўзларига ёш олди.

Қалбдан чиққан бу сўзлар Умарнинг кўзларига ҳам ёш келтирди.

Ислон Халифаси Ҳазрат Умар (р. а.) хайратга тушиб, Абу Зардан бир сўзни сўрашдан ўзини тия олмади:

— Ҳ, Абу Зар! Бу йигитнинг отасини танийсанми? Қабила-сини биласанми?

Ҳазрат Абу Зар:

— Тушундим, Ҳ Амрал Мўминини! Бу йигитни танимасдан туриб нега қафил бўлдинг, деб сўрамоқчисан, шундайми? — деди.

— Худди шундай, Ҳ, Абу Зар.

— Ҳ, Умар! — деди Абу Зар. — Мени ҳамма билади. Ҳазрат Муҳаммадга қандай ишонганимни ва ул буюк пайгамбарнинг менга қандай рутба (даража) берганлигини бу ерда билмаган одам йўқ. Мен, Муҳаммадийларда фазилат қолмабди деб ўйлагандим. Йигит мендан ёрдам сўради. Мен эса фазилат учун «хўй» дедим.

Ул мажлисда бўлганлар жунбушга келдилар. Даъвогарлар, бунчалик аҳдига содиқ, жонини Ислон буйруқлари учун фидо этишга қодир бир имон соҳиб бўлган йигитнинг ҳолидан ибрат олиб, раҳмга юз бурдилар ва:

— Ҳ, Амрал Мўминини! Биз ҳам Аллоҳ учун отамизнинг қасосидан воз кечамиз. Ҳаққимизни ҳалол этдик. Йигит хоҳлаб бу ишни қилади-ганлардан эмас экан. Бу фидокорлиги учун биз ҳам уни хурматлаймиз, — дедилар.

Шундай қилиб, сўзда туришнинг, аҳдга вафодорликнинг яна бир хайрли натижасини ҳозир бўлганлар ўз кўзлари билан кўрдилар ва унга гувоҳ бўлдилар.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТҮЛЕБОВЕВ
Ёқубжон ХҲАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:**
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул
ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
**ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ**

Таҳририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2239.
9326 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак.

Газета «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси компьютерида терилди ва чоп этилди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАҲОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

ЁН ДАҲТАРДАГИ БИТИКЛАР

Фарзандларнинг ширинлиги ёшига нисбатан тескари пропорционалдор.

Кам гапирган тинч яшайди, тинч яшашни истасанг кўп гапирма.

Динга қарши курашганлар албатта худонинг қаҳрига учрайди, ўлганидан кейин эса халқнинг қарғишига қоладилар.

Қулогим мени кўп алдаган, кўзим эса ҳеч қачон.

Мен қулогимдан кўра кўзимга кўпроқ ишонаман.

Виждон судига қолишдан ўзингни сақла, зеро ўзингдан қочиб қутулолмайсан.

Ёр танлашда сўзига эмас, кўзига ишон. Севгининг сўз билан айтилгани эмас, кўз билан айтилгани ҳақиқийдир.

Азоблар ичида муҳаббат азобигина инсонга роҳат бағишлайди.

Севишганлар икки тану бир жондир, шу боис улар ҳамиша бир-бирларига талпиниб яшайдилар.

Менинг бахтим севаолганимдадир.

Ифбат — аёл гўзаллигининг гултоҳидир.

Жулдур кийинган гадо олдида одамсифат порахўр тубанроқдир.

Ҳазаб билан ҳеч ким муродига етган эмас.

Ҳазоби келганда ўзини босиб, битта гапдан қолган киши ҳақиқий қаҳрамондир.

Йигитали Ҳожи УСМОНОВ



Болаликнинг баҳори завқли.

БИРИНЧИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ КИМ?

Бундан кўп йиллар муқаддам зиёфатлардан бирида жаҳоннинг энг кучли шахматчиси учун қадаҳ кўтарилган. Шунда икки киши — прагаллик (Чехословакия) Вильгельм Штейниц билан любинлик (Польша) Иоганн Цукерторт ўрнидан туришди. Бу афсонами ёки бўлган воқеами, лекин нима бўлганда ҳам ҳар иккаласининг ана шу номни даъво қилиб чиқиши учун асоси бор эди. Штейниц йигирма йилча тож-

сиз шахмат «қироли» бўлиб юрди. Лекин кўпларнинг кўз ўнгига Цукерторт Штейницнинг шуҳратини орқада қолдириб кетди. Фақат яқкама-яқка курашгина улар баҳсини ҳал қилиб берди. Шундай ўйин 1886 йилда бўлган. Бу ўйинда Штейниц ғалабани кўлга киритди ва расмий равишда жаҳоннинг биринчи чемпиони, деб эълон қилинди. Бу воқеа шахмат тарихида янги эранинг бошланиши эди.